



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 7-noyabr. Shanba • 130 (32.033)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 6 ноябрь куни Оқсаройда Халқаро инвестициявий форумда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Сирил Мюллер ҳамда Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорациясининг вице-президенти Димитрис Цицирагосни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Жаҳон банки гуруҳи билан ҳамкорлики юксак қадрлашини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бунинг натижасида умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёд бўлган 28 қўшма лойиҳа амалга оширилди. Бу лойиҳалар электр энергетикаси, ирригация ва коммунал тармоқларни модернизациялаш, сув таъминоти, ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш каби йўналишларни қамраб олган. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришда Жаҳон банкининг улуши 2,6 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги шериклик муносабатларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Унинг доирасида Жаҳон банки 300 миллион доллардан ортиқ миқдордаги узоқ муддатли имтиёзли кредит билан 4 лойиҳани амалга оширишни қўллаб-қувватлади.

Мамлакатимизда Халқаро молия корпорациясининг 135 миллион доллар миқдоридagi инвестицияси иштирокчида хусусий секторни ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилди.

Сўнгра давомиди Жаҳон банки гуруҳи вакиллари Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда иқтисодиёти янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгариш ва диверсификациялаш бўйича жорий йилда қабул қилинган стратегик дастурларнинг аҳамиятини алоҳида қайд этди. Бу дастурларда иқтисодий ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, sanoatни янада модернизация ва диверсификация қилиш, хусусий мулкчилик ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодийдаги роли ва ўрнини қайта қўйиш кўзда тутилган.

Меҳмонлар Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси Ўзбекистон иқтисодиёти тубдан таркибий ўзгариш жараёнида фаол иштирок этишдан манфаатдор эканини таъкидлади. Шунингдек, асосий соҳалар бўйича қабул қилинган дастурлар ва қўшма инвестициявий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилишини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Хозир Жаҳон банки 2016-2020 йилларга мўлжалланган шериклик стратегиясини тайёрлашни якунида қўшма лойиҳа амалга ошириш кўзда тутилган. Бу янги лойиҳалар электр энергетикаси, нефть-газ sanoati, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот-коммуникация технологиялари, коммунал инфратузилма ва бошқа соҳаларни янада ривожлантиришга қаратилган.

Халқаро молия корпорацияси билан нефть-кимё, кимё sanoati, муқобил энергия манбалари ва молия соҳаларида истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлигини устувор соҳалари юзасидан фикр алмашилди, шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

ЎЗА



Мирзахмат ШОЙМОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП фаоли:

— Ҳаётда озми-кўпми эл орасида юриб, шундай ҳулосага келдимки, матбуотни мунтазам қўзатиб борадиган одамларнинг фикрида уйғоқлик, дунёқарашида кенглик бўлади. Мен бунга қўп аҳамият берганман. Шунданми, фарзандларим, шогирдларим, набираларимга ҳар доим газета ўқишни маслаҳат берман.

«Ўзбекистон овози» — мен учун узоқ йиллардан бери қадрдон газета. Унга ҳар йили обуна бўламан.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
газетасига сиз ҳам обуна бўлинг!
Обуна индекси — 220



Санжар ШОТЎЛЛАҒАНОВ олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ»

кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди

«Энг фаол» деган номга эришиш учун инсон нафақат ўз соҳасида, балки ҳар жабҳада ташаббускор, қалбан уйғоқ, теран фикрли ва албатта, билимли бўлиши керак. Ўзбекистон ХДП томонидан ўтказилаётган кўрик-танлов ҳам айти шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизнинг барча туманларида танловнинг илк босқичи бўлиб ўтди. Илғор гояларга асосланган лойиҳалар ишлаб чиққан, ҳуқуқий ва сиёсий ҳозиржавобликка эга хотин-қизлар танловнинг иккинчи, яъни шаҳар босқичига етиб келишди.

«Сиёсий ҳозиржавоблик» шартида хотин-қизлар сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини синовдан ўтказишди. Ҳар бир саволга тезкорлик билан берилган жавоблар, қонунлар шарҳи ҳамда тақдим этилган лойиҳаларда қатнашчиларнинг пухта тайёргарлик кўргани намойён бўлди.

«Хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг энг самарали йўли» шартида истиқболли лойиҳалар тақдим этилди. Шунингдек, партия Сайловолди дастури ҳамда Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ҳақидаги саволларга ҳам жавоб берилди.

— Танловда иштирок этиб, англадимки, инсон ўз билимини синовдан ўтказиб, қўнимчаларини ошириб бориши керак экан, — деди **танлов иштирокчиси Шаҳзода Курбонова**. — Сиёсий партия аъзоси деганда ўз-ўзидан сиёсатни яхши билган, бу борада етарли билимга эга инсон тушунилади. Танловга тайёргарлик жараёнида қўлаб адабиётлар, қонун ва қонунности ҳужжатларни ўқиб, ўргандик. Гарчи, танловнинг бу босқичида қўлаб бўла олмасам-да, келгуси фаолиятим ва ҳаётим учун билимларимни бойитдим. Рақибларимнинг кучли эканлиги мени янада қувонтирди. Ана шундай аёллар сафида эканимдан фахрланаман.

Айни пайтда Тошкент шаҳрида 21 мингдан ортиқ хотин-қиз Ўзбекистон ХДП аъзоси ҳисобланади. Кўрик-танлов иштирокчилари улар орасида фаол эканликларини намойён қилишди, айтиш

мумкинки, бу борада бошқаларга ўрнак бўлиши. Танловда оилавий тадбиркорлик, касаначилиқни ривожлантириш орқали иш ўринлари яратишга қаратилган ҳаётий лойиҳалар юқори баҳоланди.

Танлов сўнггида ғолиблар аниқланди. Унга кўра, биринчи ўринга Юнусобод тумани иштирокчиси Севара Ўбайдуллаева муносиб деб топилди. Иккинчи ўринни Яшнобод тумани вакили Дилрабо Усмонова олган бўлса, учинчи ўрин Шайхонтоҳур туманидан Матлуба Усмоновага насиб этди. Биринчи ўрин соҳибаси кўрик-танловнинг республика босқичига йўланмани қўлга киритди.

— Жуда ҳаяжонданман. Ғолибликни қўлаб келган эдим ва бугун мақсадимга эришдим, — деди **Севара Ўбайдуллаева**. — Анчадан бери ёшлар учун ўтказилаётган «Ёш сиёсатчи» танловига ҳавас қилиб бирор-бир танловда иштирок этиш истатига юрардим. «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови бу ниятимни амалга оширди.

Зилола ЎБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Халқ депутатлари Андижон вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар томонидан шу йилнинг 9 ойида 300 депутатлик сўрови юборилди. Уларнинг ҳозиргача 244 таси ижобий ҳал этилди.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари томонидан 11 масала сессияга киритилди. 41 масала доимий комиссияларда, 43 масала партия гуруҳларида кўриб чиқилди.

■ БУ ҲАҚДА ПАРЛАМЕНТ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДА АЙТИЛГАН ЭДИ

Президент Ислон Каримовнинг 2015 йил 23 январда парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси тўғрисида газетаимизнинг 24 сентябрь сонидида «Қабул қилинаётган қонунлар тараққиётга, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг боришига қандай таъсир кўрсатмоқда?», 8 октябрь сонидида «Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигини янада кучайтириш тарғибот ишларини изчил олиб бориш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда долзарб аҳамиятга эга» номли таҳлилий мақолалар эълон қилинди.

Ушбу мавзуда навбатдаги мақолани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Қонун ижодкорлиги жараёни

тубдан такомиллашмоқда

2

■ ЎзХДП: ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА

АХБОРОТ- МАЪРИФАТ ХОНАЛАРИ

фаолиятини намунали йўлга қўйиш тарғибот таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади

Юртимизда истиқлол йилларида барча соҳалар қатори ахборот-кўтубхона фаолиятини такомиллаштиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, соҳанинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланиб, замонавий андозалар жорий этилган. Энг муҳими, бу орқали ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

2

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ КЕНГАЙМОҚДА

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан Тошкентда Халқаро инвестициявий форум бўлиб ўтди.



Форумда дунёнинг 33 давлати фирма ва компаниялари, инвестиция фондлари ва банклар, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки ва бошқа етакчи халқаро иқтисодий ҳамда молия институтларининг 560 вакили, олимлар, экспертлар иштирок этди.

Халқаро инвестициявий форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

Президент Ислон Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан иқтисодий ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини ривожлантириш бозор муносабатларининг энг муҳим тамойилларидан бири сифатида мулкчилик шакллари ўзгариши, хилма-хилиги ва тенг ҳуқуқчилигини таъминлашга қаратилгани таъкидланди. Мамлакатимизда давлат объектларининг хусусийлаштирилиши иқтисодиётда давлат монополиясини барқарор қилиш ва янги мулкдорлар синфини шакллантириш имконини берди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни хусусийлаштириш жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантиришда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилди. Ушбу қонунга мувофиқ, давлат мулкни хусусий мулкдорларга беришнинг янги механизмлари ҳаётга татбиқ этилди ва бу амалдаги қонун қоидаларини янада аниқлаштирадиган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишни тақозо этди. Айни пайтда саксондан ортиқ қонунности ҳужжатидида хусусийлаштириш тартиб-таомилларини тартибга соладиган нормалар иқтисодиётда нодавлат сектор улушини қўлайитириш, барча тоифадаги бўлажак инвесторларнинг хусусийлаштириш жараёнидан тенг фойдаланишини таъминлаш, битимларнинг очик-ошкоралиги ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган хусусийлаштиришга доир муайян дастурлар алоҳида диққатга сазовордир. Ушбу дастурлар ёрдамида давлат активлари инвестиция қилиниш, юқори қўшимча қийматга эга замонавий экологик ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини ташкил қилиш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш шарти билан инвесторларга тўғридан-тўғри берилмоқда. Сўнгги йигирма йилда мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар самарасида 31 мингдан ортиқ объект маҳаллий ва чет эл компанияларига берилди. Бу, ўз навбатида, қисқа муддат ичида нафақат етакчи тармоқларни технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётда энергия самарадорлигини таъминлаш, унинг рақобатбардорлиги ва самарадорлигини ошириш, балки экспорт салоҳиятини юксалтириш имконини берди. Айни пайтда ташқи бозорга ҳомашё ўрнига юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар етказиб берилаётган.

Тадбирда сўзга чиққан Осиё тараққиёт банки бош директори Хуан Миранда, Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллер, Корея Республикаси саноат, савдо ва табиий ресурслар вазирининг биринчи ўринбосари Ли Хван Сон, Халқаро молия корпорацияси вице-президенти Димитрис Цицирагос, Европа Иттифогининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Питер Буриан ва бошқалар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларида эришган ютуқларини юксак баҳолади ва мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг сўнгги ўн бир йил давомида 8 фоиздан ортиқ даражада сақланиб келаётган юқори ўсиш суръатларини, саноат ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланаётгани ва халқимиз фаровонлиги янада юксалиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбир иштирокчиларига мамлакатимизнинг иқтисодий, инвестициявий салоҳияти, шунингдек, чет эллик сармоядорлар учун яратилаётган имконият ва имтиёزلар ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм намойиш этилди.

▶ Давоми 3-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



2016 ЙИЛ УЧУН
ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ
лойиҳаси кўриб чиқилди



■ Хоразмда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлигини янада кучайтиришга бағишланган форум бўлиб ўтди.

БУ ҲАҚДА ПАРЛАМЕНТ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДА АЙТИЛГАН ЭДИ

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ

тубдан такомиллашмоқда

Мамлакатимизда парламентаризм институти такомиллашиб, унинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва роли тобора кучайиб бормоқда. Парламент фаолиятининг такомиллашиши қонунлар сифати ошиши, уларнинг ижроси изчил назорат қилиниши, фуқароларнинг устувор ҳуқуқлари таъминланиши, давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро тийиб туриш тамойили мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими Улуғбек Хусайнов билан суҳбатимиз қонун ижодкорлиги жараёни янада такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини кучайтириш, қонунлар лойиҳаларини фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокамадан ўтказиш масалалари ҳақида бўлди.

— Маълумки, Президентимиз жорий йил январь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида парламент палаталари олдига турган устувор вазифаларга тўхталди. Уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастури қабул қилинди. Мазкур дастур асосида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берсангиз.

— Ушбу дастур асосида Қонунчилик палатасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, мазкур дастурда 41 ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар, 46 қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва 20 назорат-таҳлил ишларини ўтказиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини тизимли тарзда ташкил қилишда ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, жамоат

бирлашмалари мутасаддилари билан учрашувлар ўтказилди.

Қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш мақсадида қўмиталар ҳузурида тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Депутатларнинг асосий фаолиятдан бири — бу сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, жойлардаги муаммолардан хабардор бўлиш ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Шу боис Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов ок-

институтларининг фикр-мулоҳаза ва тақлифлари олинди.

Айни пайтда қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, ушбу соҳада халқаро тажриба ва миллий амалиётни қиёсий таҳлил қилиш, қонун ҳужжатларининг рўйбга чиқарилишини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада ривожлантиришга қаратилган процессуал механизмларни кучайтириш борасида қатор амалий ишлар қилинмоқда. Мазкур йўналишларда тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида туркум халқаро ва республика илмий-амалий конференциялар ҳамда давра суҳбатлари тизимли равишда ташкил этилмоқда.

— **Маърузада қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар айрим ҳолатларда етарли даражада ишламаётганлиги, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг қонуний ҳужжатлари ишлаб чиқилмаётганига ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди. Ушбу муаммоларнинг бартараф этилиши бўйича қандай ишлар қилиняпти?**

— Биринчи навбатда, қонун ҳужжатлари қўмиталар томонидан ўз фаолиятига тааллуқлилигига қараб инвентаризациядан ўтказилди. Масалан, 2015 йилнинг биринчи ярмида қўмиталар томонидан 194 қонун инвентаризация қилинди. Улардан 114 қонун 2000 йилгача, 80 қонун 2001-2004 йиллар давомида қабул қилинган.

Шунингдек, қонунларга киритилаётган меъёрларнинг тўғридан-тўғри қўлланилиши, уларда ҳавола нормаларнинг қамқайрилиши, аниқ ихро механизми назарда тутилмаганди жиддий аҳамият берилмоқда.

Мисол учун, амалдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун янги 251-модда билан тўлдирилди, унда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ҳокимларнинг вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини ешитишнинг аниқ механизми ўз аксини топди.

Қонунлар самарали ишланишининг яна бир муҳим омили



Ушбу оғлан сурат.

ли аҳолининг улардан хабардорлигини ошириш ҳисобланади. Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ҳуқуқий ахборотнинг тарқатилиши, ижрочиларга, аҳолига ўз вақтида етиб бориши масаласида хорижий мамлакатлар ва миллий тажрибани таҳлил қилиш бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Бу борада олиб борилган таҳлиллари натижасига кўра, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

— **Айтингчи, қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокамадан ўтказиш нима беради?**

— Бу қонунларнинг ҳар томонлама сифатли тайёёрланиши, пишиқ ва пухта бўлиши, жамият турли қатламларининг манфаатлари ҳисобга олинishi, кейинчалик самарали ижро этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, назарий олимлардан иборат экспертлар гуруҳлари фаолият юритмоқда. Уларнинг таркибига эътибор қаратсак, тадбиркорлик субъектлари вакил-лари 10 фоизни, нодавлат ва ношаро ташкилотлари ходимлари 23 фоизни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари 30 фо-

изни, олимлар 37 фоизни ташкил этади. Яъни ҳар бир қўмита қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда унинг кенг муҳокама қилинишига алоҳида аҳамият бермоқда. Масалан, 2015 йилнинг биринчи ярмида қўмиталар ҳузуридаги ишчи гуруҳлар томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирокида 202 қонун лойиҳасининг муҳокамаси ўтказилди.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб бормоқда. Уларнинг натижалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, мутахассислар ва олимлар иштирокида умумлаштирилмоқда, таҳлил қилинмоқда. Ушбу таҳлиллари натижасида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилиниши, муайян қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Масалан, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг ижроси ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича «Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (янги таҳрирда) тайёрланди.

— **Қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт**

билан ҳар томонлама қиёсий таҳлил этиш асосида муҳокама қилиш, бу жараёни сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтариш, шунингдек, парламент назорати таъсирчанлигини оширишга қаратилган тадбирлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Аввало, бу борада амалий тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида халқаро, республика миқёсида илмий-амалий конференциялар ва давра суҳбатлари ўтказиш бўйича маҳсус режа тасдиқланган. Унга кўра, 2015 йилнинг биринчи ярмида 54 давра суҳбати, 13 конференция, жумладан, 1 халқаро конференция, 39 семинар ташкил қилинди. Хусусан, «Парламент назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми» тақлифлари тақимоллаштирилмоқда, таҳлил қилинмоқда. Ушбу таҳлиллари натижасида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилиниши, муайян қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

— **Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРИПОВ суҳбатлашди.**

ЎзХДП: ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш ЎзХДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларидан биридир. Партия кенгашларида ташкил қилинган Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон ХДПнинг 15 Жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилиб, ижобий ҳал қилинмоқда.

Ҳар бир мурожаат алоҳида эътиборда

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида Жамоатчилик қабулхоналарига 450 га яқин мурожаат тушган бўлса, ҳозиргача уларнинг 250 дан ортиғи ижобий ҳал этилди. Бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар фаол иштирок этмоқда. Аксарият Жамоатчилик қабулхоналари ҳузурида ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этилганлиги фуқароларнинг ҳуқуқий билиминини оширишга хизмат қилмоқда.

ЎзХДП Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон ва Термиз туман кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарида мурожаатлар билан ишлаш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган.

— Мурожаатларни тизимли таҳлил қилиб бориш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ҳудудий бандлик дастурларига ўзгариш киритиш эътиҳонини аниқлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда, — дейди **ЎзХДП Термиз туман кенгаши раиси Тўрабек Зоиров**. — Халқ депутатлари туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлари қабулини жадвал асосида ташкил этдик. Бу мурожаатлар маҳаллий партия кенгашларининг ўзида қолиб кетмаслиги, улар юзасидан депутатлар орқали аниқ чоралар қўрилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда бир гап. Воҳа аҳолининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилишни инobatга олсак, биз кўча Жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этишга кўпроқ эътибор беришимиз кераклиги ойдинлашди. Электорат вакилларининг Жамоатчилик қабулхоналарига ишончини ошириш учун жойларга бориб, учрашувлар ташкил қилишимиз, энг муҳими, бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйишимиз керак, деб ўйлайман.

Фаррух АБЖАЛОВ, ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши бўлим муддир, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Кимдир бирор муаммага ечим излаб келдимки, уни ҳал этишга ҳар биримиз масъулимиз. Афсуски, бу масалаларда Жамоатчилик қабулхоналарининг барчаси ҳам бирдек яхши ишлаяпти, дейиш қийин. Масалан, Ангор, Бойсун, Музработ, Шеробод туманларида қабулхоналар фаолиятини кучайтиришга жиддий эътибор берилмаяпти. Мазкур туманлардаги депутатларнинг депутатлик сўрови имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаяпти. Кўча Жамоатчилик қабулхонаси деярли ташкил этилмапти. Биз шунини унутмаслигимиз керак: Жамоатчилик қабулхоналари партия ташкилотлари, барча даражадаги депутатлар ва электорат ўртасида кўприкка айланса, электорат вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этса, одамларнинг партиямизга ишончи янада ортади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: ТАҲЛИЛ, ТАҚЛИФ, МУЛОҲАЗА

АХБОРОТ-МАЪРИФАТ ХОНАЛАРИ

фаолиятини намунали йўлга қўйиш тарғибот таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади

Жамоатчиликнинг ахборотдан эркин фойдаланишини таъминлаш, давлат органлари фаолиятининг янада шаффоф, очик бўлишига эришиш, мамлакатимиз ва ундан ташқарида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш фуқаролик жамиятининг муҳим шартларидандир. Айниқса, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, маънавий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда аҳоли, айниқса, электорат вакилларининг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш партия ташкилотларининг ниҳоятда муҳим вазифаларидан бири.

Маълумки, партия мафқуравий ишларини янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, тафаккурини оқсатириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокини кучайтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда ЎзХДП тизимида ташкил этилган ахборот-маърифат хоналари муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замо-

навий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий йўналишдаги адабиётлар, илмий ҳамда даврий нашрлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишлар олиб борилаёпти.

Бугунги кунда партиямиз тасаруфидоги 14 минтақавий ва 194 туман ва шаҳар кенгашлари ҳузурида жами 208 Ахборот-маърифат хона ва бурчаклари ташкил қилинган. Улар партия марказий сайланма органлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаш экспертлари ва маъсул ходимлари, тарғиботчилари, модераторлар қонунчилик ҳужжатлари, ахборот-услубий материаллар, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, даврий нашрлар ҳамда сиёсий, мафқуравий йўналишлардаги материаллардан фойдаланиши учун хизмат қилмоқда.

Эътиборли томони, ахборот-маърифат хоналари орқали партиянинг сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларига амалий кўмак кўрсатиляпти. Мазкур тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида партия Марказий Кенгаши сайёр сиёсий семинарлар ташкил этиб келмоқ-

да. Масалан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар кенгашларида бўлиб ўтган сайёр ўқув-семинарлар кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ХДП сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида таълим беришнинг ички партиявий шакли шундай тузилганки, унда марказдан қуйи партия ташкилотлари, яъни БПЛаргача қамраб олинган. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида партия Марказий Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда йирик бошланғич партия ташкилотларида тизимли равишда ўтказилган 8 251 маъшулотда 270793 нафар тингловчи қамраб олинди.

Айни пайтда Ахборот-маърифат хоналари фаолияти таҳлил қилиниб, уларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш, сайланма партия фаоллари, партия кенгашлари аппарати ходимлари, жамоатчилик вакиллари ва экспертлар иштирокида давра суҳбатлари ва бошқа шакллардаги фаол муҳокамаларни ташкил этиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Ахборот-маърифат хоналарининг жойлардаги Ахборот-кутубхона институтларида сақланаётган ахборотлардан эркин фойдаланиш, фойдаланувчиларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва билимга бўлган эътиҳонини қондириш, шунингдек, аҳолини ахборот билан кенг қўламада таъминлаш учун зарур шароит яратиш, миллий кадрларни тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, тарихий-маданий меросни сақлаш мақсадида ахборот-кутубхона институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборот-кутубхона фондларидан ўзаро фойдаланишни кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Биламизки, ахборот-маърифат хонаси фаолиятини самарали ташкил қилиш энг аввало, партиянинг ёш кадрлар захираси, тарғиботчилари шаклланишига таъсир этади. Бунинг учун давр талабларига жавоб бера оладиган ахборот-маърифат хоналари ташкил этилмоғи керак. Биринчи галда қутубхона фондини кенгайтириш ҳолда янги манбалар билан боийтиш, иштирокчиларнинг ҳар томонлама чуқур фикр юритишига туртки

берувчи интеллектуал ва интерфаол усулларни ишлаб чиқиш зарур.

Шунингдек, Ахборот-маърифат хоналари фаолиятида таҳлилий ва ахборий ишларни кучайтириш, камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф қилиш механизмиларини ишлаб чиқиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда мониторинг олиб боришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Айни пайтда, фуқароларда ахборотга бўлган эътиҳонини кучайтириш жойлардаги ахборот-маърифат хоналари фаолиятига янги ҳал ендасуви тақозо қилмоқда. Аввало, уларни замонавий техника воситалари ҳамда ички партиявий услубий материаллар билан таъминлаш зарур.

Бундан ташқари, турли кўргазмалар ташкил этиш зарур. Масалан, партия дастурий мақсадлари ахс этган кўргазмалар ташкилотлари ва сайёр тақлифлар яратилса, материал буюрувчилар учун партия ташкилоти ҳақида зарур маълумотларни тезкорлик билан олиш имконияти бўлади.

Агар мазкур йўналишдаги ишларни кучайтирсак, бу ўз-ўзидан тадбирлар, сиёсий-ўқувлар савиясига, тарғибот-таъшиқот ишлари таъсирчанлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Гулчехра ЗОХИДОВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ахборот-ресурс маркази раҳбари.

■ **БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАР ИМКОНИЯТИДАН ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ПАРТИЯГИНА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАДИ, ЭЛЕКТОРАТГА ЯҚИН БЎЛИБ, УНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ. ШУ БОИС ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛИЯТИНИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА КУЧАЙТИРИШ ПАРТИЯМИЗ ОЛДИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН ҲИСОБЛАНДИ.**



■ **«ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА БИНОАН ДЕПУТАТ ТЕГИШЛИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИДА ҲАМДА ЎЗИ САЙЛАНГАН КОМИССИЯНИНГ МАЖЛИСЛАРИДА ҚАТНАШИШИ, ОВОЗ БЕРИШДА ТЕГИШЛИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ РЕГЛАМЕНТИДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ШАХСАН ИШТИРОК ЭТИШНИ КЕРАК.**



Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Халқаро инвестициявий форум хорижий инвесторларга ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, изчил ривожланаётган ва истиқболли Ўзбекистон бозорида бизнес юритишнинг янги қирраларини очиш имконини берди.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2015-йил 7-ноябр. Шанба
130 (32.033)-сон
www.uzbekistonovozi.uz

3

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ КЕНГАЙМОҚДА

Жорий йилда мамлакатимизда қўлланилаётган хусусийлаштириш амалиётининг замонавий стратегиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Президент Ислам Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида хусусий тадбиркорлик ривожий йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш энг муҳим устувор вазифа эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, баркарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимиз таракқиётининг истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан айтилган мана шу вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ. Шу сабабдан биз хусусий мулк муносабатлари борасидаги қарашларимизни мутлақо ўзгартириш масаласини қайта қўриб чиқишимиз зарур. Шу асосда мустақкам ҳуқуқий базани хусусий мулк манфаатларига мослаштиришимиз, мулк ҳуқуқининг қучли юридик норм ва кафолатлари тизимини шакллантиришимиз, хусусий мулкдорларнинг кенг қатламини яратишимиз керак.

Шундан келиб чиқиб, давлат активларини янада хусусийлаштириш, корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш жорий йилда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим ва устувор йўналишига айланди. Хусусан, 2015 йил 15 майда Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг ўлуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида реал иқтисодиёт тармок ва соҳаларида давлат иштирокини тубдан камайтириш, 1247 корхона ва объектни хусусий мулкка ўтказиш қўзда тутилган. Хусусан, 68 йирик корхонадаги давлат ўлуши, жумладан, акциялар нозорат пакети хорижий инвесторларга тақдир қилинмоқда. 343 корхонадаги давлат ўлуши чет эл ва маҳаллий инвесторлар учун савдога қўйилмоқда. 324 объект очик савдоларда хорижий ва маҳаллий инвесторларга сотилади. Бундан ташқари, 512 давлат объекти хорижий ва маҳаллий инвесторларга инвестицион мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан «ноль» қийматда тақдир қилинмоқда. Мисол учун, «Фаргонаазот» акциядорлик жамияти, «Самарқандкимё» акциядорлик жамияти, «Навоийазот» акциядорлик жамияти, «Жиззахпластмасса» акциядорлик жамияти ва бошқа стратегик корхоналарда умумий ўлушининг 51 фоизини давлат бошқарувида сақлаб қолган ҳолда, қолган қисминини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технология янгиллаш шарти билан сотиш тақдир қилинмоқда.

Қайта тиклаш ва негизда замонавий ишлаб чиқариш

қувватларини ташкил этиш мажбуриятини қабул қилиш шарти билан самарасиз фойдаланилаётган давлат мулки объектлари «ноль» қийматда хусусий мулкка берилди.

Мазкур дастур ижросини таъминлаш доирасида ушбу жараёнларга хорижий инвесторларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Компаниямиз 2009 йилда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси билан Ўзбекистонда оғир юк кўтарадиган автомобиллар ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича «JV MAN Auto — Uzbekistan» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида шартнома имзолади, — дейди «MAN Truck & Bus AG» компаниясининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий раҳбари Ян Колмайер (Германия). — Ўтган йиллар давомида мазкур завод ишлаб чиқариш ҳажминини ошириб, жорий йилда беш минггача юк автомобиллини конвейердан чиқарди. Бугунги кунда 40 турдан ортиқ юк ташувчи ва махсус техника ишлаб чиқаришда ва ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилди. Ўзбекистон томонидан берилган кенг қўламли имкониятлардан умумий фойдаланиб, яқинда шахар ичида қатнаш учун мўлжалланган 100 русумли автобуснинг тажриба намунасини ишлаб чиқардик. Айтилган пайтда мазкур техника Тошкентда синовдан ўтказилмоқда. Шу билан бирга, яқин вақт ичида янги русумдаги сайёҳлик автобусини ҳам тақдим этамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда кулай инвестиция муҳити шакллантирилган, энг илгор халқаро тажрибалар асосида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларининг мустақкам қонунчилик базаси, шунингдек, чет эл капитални иштирокида ташкил этилган корхоналар учун имтиёз ва преференциялар тизими яратилган. Чунинчи, Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фар-



монига мувофиқ, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми 300 минг доллардан 3 миллион долларгача бўлган корхоналар 3 йил, 3 миллиондан 10 миллион долларгача бўлган корхоналар 5 йил, 10 миллион доллардан ортиқ бўлган корхоналар 7 йил муддатга юридик шахслар фойдасидан олинган солиқ, мулк солиғи ва бошқа қатор мажбурий тўловлардан озод қилинади.

Урнатилган тартибга қўра, қиймати 50 миллион доллардан ортиқ ва хорижий инвестор ўлуши қамда 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида ташқи муҳан-дислик-коммуникация тармок-лари қурилиши давлат бюджет ва бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, хорижий инвестиция иштирокидаги корхона ташкил этиш мақсидида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансидаги паст ликвидли объектлар «ноль» қийматда сотилмоқда. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўлуши 33 фоиздан кам бўлмаган корхоналарга улар рўйхатга олинган санадан бошлаб икки йил давомида олиб қилинган мулк ва то-варлар учун божхона преференциялари тақдим этилади.

— «General Motors» корпорацияси «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон бозорида салмокчи ютуқларга эришмоқда, — дейди «GM

Uzbekistan Operation» компанияси президенти ва бошқарувчи директори Хектор Вилларреал (АҚШ). — Айни пайтда «GM Uzbekistan» акциядорлик жамиятининг Андижон ва Хоразм вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида заводлари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда 10 русумдаги автомобиль ишлаб чиқаришмоқда. Бу йил уларнинг сафига янги «Lobo» автомобили ҳам қўшилди. Ўз махсусотларимиз турини кенгайтиришни давом эттирамиз. Негаки, Ўзбекистонда самарали фаолият юритиш учун барча зарур шароит яратилган.

Корхона ва ишлаб чиқариш объектларининг самарали фаолият юритиши корпоратив бошқарув тизими билан бевосита боғлиқ. Мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимининг ривожланиши давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш орқали хусусийлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Ўтган йиллар мобайнида 31 мингдан ортиқ давлат корхонаси хусусийлаштирилди ва бугун мамлакатимизда қарий 1,2 миллион акциядор бор.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мамлакатимизда айтилган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишидир. Бугун юртимизда акциядорлик жамиятларининг самарали фаолият юритиши учун зарур меъёрий-ҳуқуқий база ва инфраструктура ташкил этилиб, самарали

фаолият юритмоқда. Жумладан, кодификация қилинган ҳуқуқларга асосланган меъёрий база Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари химоя қилиш тўғрисида», «Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлари, 60 дан ортиқ бошқа ҳужжатларнинг ўз ичига олади. Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчилик ҳуқуқий муносабатларнинг атрофлича ва ошқо-ра белгиланиши билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда 1994 йилдан буён фонд биржаси, 1999 йилдан марказий депозитарий ва юздан ортиқ инвестиция институтлари (брокерлар, маслаҳатчилар, бошқарувчи компаниялар ва бошқалар) фаолият юритиб келмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) стандартлари мувофиқ, корпоратив бошқарувнинг ривожланиш даражасини ўрганиш бўйича Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқотда ўтиш даври иқтисоди-тини бошдан кечириётган бошқа мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги қонунчилиги билан таққослаганда Ўзбекистон қонунчилиги корпоратив бошқарув амалиётини ривожлантириш учун истиқболли асос яратётгани қайд этилган.

Қонунчилик базасини такомиллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида мамлакатимиз

ўғитлар эскпорт қилишни ҳам режалаштирляймиз. Халқаро форум бизга Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги тараққиёт, ишлаб чиқариш саноати билан яқиндан танишиш имконини берганидан хурсандимиз.

Мартин ВОЖУР, «Alstom» компанияси бош директори (Франция):

— Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ва баркарор ривожий мамлакат танлаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини исботлади. Бу натижалар иқтисодий ўсиш суръати, макроиктисодий баркарорлик, иқтисодиётни таркибий янгиллаш ва диверсификация қилиш, изчил жалб қилинаётган хорижий сармоя миқдориди ҳам яққол намён бўлмоқда.

Дунёда ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда юксак иқтисодий қўрсаткичлар баркарор сақлаб қўлинган ва ялли ички махсулот ўсиши сўнгги йилларда 8 фоиздан ошаётгани эътиборга моликдир. Бундай иқтисодий баркарорликка ва юксалишга эришиш катта меҳнат ва ўта масъулиятли ёндашувни талаб этади.

Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида қучли ижтимоий сиёсат юритиш, иқтисодиётнинг барча соҳалари, жумладан, транспорт ва транспорт коммуникациялари тизимини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида кенг қўламли ишловлар амалга оширилмоқда ва улар юксак самаралар бермоқда. Мамлакатимизда хорижлик ишбилармонлар учун яратилган кенг шароит ва имтиёзлар гоят аҳамиятлидир. Биз Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан темир йўл машинасозлиги соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдик.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан ўзаро аниқлашган меморандумини имзоладик. Унга қўра, мамлакатимизда ҳамкорликда электр двигателлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона очиш ниятидаимиз.

ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоезди мамлакатимиз темир йўлларида ўзини тўлиқ оқлаганидан жуда мамнунимиз. Айни пайтда ўзбекистонлик шерикларимиз билан фаол ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш мақсидида ўзаро фойдали музокаралар олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори транспорт ва транспорт коммуникациялари, жумладан, темир йўл тармоғи жадал ривожланмоқда. Бу омил аҳоли фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш бизга мамнуният бағишлайди. Келгусида бирлиқда қатор истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш ниятидаимиз.

Чоудхури СИНГХ, «Kay Pee Exports» компанияси бошқарувчи директори (Хиндистон):

— Ўзбекистон иқтисодиётларида амалга оширилаётган изчил ислохотлар халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётди. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоклари хусусий тадбиркорлиқни, хусусан, тўқимачилик, кўнчилик каби соҳаларни ривожлантириш, бу борада тадбиркорларга қўллаб-имтиёзлар яратишга катта эътибор қаратилаётди. Шу боис Ўзбекистон билан кўнчилик соҳасида ҳамкорлик қилмоқчимиз. Мамлакатимизда тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона очиш ниятидаимиз.

Ўзбекистонда кимё саноати ҳам жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган турли минерал ўғитлар, ноорганик моддалар, кимёвий реагентлар, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ўсим-ликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, дефолиантлар каби махсулотлар юқори сифати билан ажралиб туради. Ўзбекистондан Хиндистонга минерал



Кейинги 14
йилда

қандай хасталик юз
бериши илмий
башорат қилинади

Америкалик олимлар қонни ўзига хос таҳлил қилиш орқали инсоннинг 14 йилдан кейин зотилжам ёки бирор-бир юқумли хасталик оқибатида оғир вазиятга дуч келиш-келмаслигини илмий башорат қилиш мумкинлигини исботлади.

Ушбу янги усул талқини «Cell Susters» журналида чоп этилди.



Олимлар 10 минг нафар кўнчилигининг қонини таҳлил қилиб, «GlycA» биомаркерини аниқлади. Яъни қонда «GlycA» даражасининг юқорилиги сурункали юқумли хасталикларга ёки аномал иммун реакциясининг фаоллашувиға мойиллиқни келтириб чиқараркан. Шу боис салгина шамолдаш ҳам одамда оғир оқибатларни юзага чиқарувчи жараёнга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Оулу университети мутахассиси, тадқиқотчилар гуруҳи аъзоси Иоханнес Кеттунсеннинг айтишича, олимлар бу тадқиқот устида ҳали кўп иш-лашлари, оғир оқибатларнинг олдини олиш учун нима қилиш кераклигини аниқлашлари жонз. Ва бу борада ижобий натижаларга эришиш мумкинлигига умид қилмоқдалар.

Эрта
турмушнинг
салбий
оқибати

олимлар томонидан
тадқиқ қилинди

Яқинда АҚШнинг Мичиган университети олимлари эрта турмушнинг яна бир оғир оқибати хусусида «The Daily Mail» нашрида чиқиш қилишди.

Унда баён этилишича, йил-гит ва қизларнинг 22 ёшдан эрта турмуш қуриши йиллар ўтиб вазн билан боғлиқ му-



аммони юзага келтираркан. Олимлар эрта турмуш қурган 14 минг киши ҳаётини 17 йил давомида кузатиб, таҳлил қил-гач, шундай ҳулосага келиш-ди. Ортиқча вазн тўплаш эрта турмуш қурганларнинг 65 фо-изига қайд этилган. Бу анча юқори кўрсаткичдир. Шу боис олимлар энди вазн ортишига сабаб бўлаётган омилларни ўрганишмоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

ОГОХЛИК

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармаси томонидан Тошкент кимё-технология институтига одам савдоси ва ноқонуний миграция мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ноқонуний меҳнат миграцияси, одам савдосининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилди.

Одам савдоси —
мудҳиш жиноят

Тадбир аввалида одам савдоси жинояти бўйича жабрланганларнинг аянчли қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи «Нигоҳ» фильми намойиш этилди.

Қайд этиш кераки, сўнгги йилларда бутун дунёда одам савдосига қарши курашиш масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда ҳам одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида изчил чора-тадбирлар қўйилмоқда. Аввало, одам савдоси жиноятига барҳам бериш учун етарли ҳуқуқий база шакллантирилди. Натижада бу глобал муаммага қарши курашиш ҳамда жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссиялар тuzилган.

— Маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг нафар киши бу мудҳиш жиноятдан жабр кўрмоқда. Бундай жиноятлар, афсуски, республикаимизда ҳам мавжуд бўлиб, айниқса, ёшлар турли айлдов ва фирибгарликлар қурбонига айланиб қолаётти, — дейди ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармаси матбуот котиби Акмал Қодиров. — Шунинг учун ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида кенг тушултиришлар олиб бориш, уларни бу борадаги вазиятдан огоҳ этиш ҳамда ҳушёрликка қачирини долзарб масалалар.

Шунингдек, тадбирда ёшлар ўртасида ноқонуний меҳнат миграцияси ва унинг олдини олиш бўйича қўйилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР

Демократик ислохотлар ва
ОАВ масъулияти

Шу кунларда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ходимлари ҳамкорлигида жойларда партия электорати ва кенг жамоатчилик иштирокида ижодий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Шайхонтохур туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган учрашувлар «Жамиятни демократлаштириш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти» мавзусига бағишланди.

— Бугун мамлакатимизда бошқарувни либераллаштириш, давлат ва жамиятни модернизация қилиш, иқтисодий эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ОАВ иштирокида тасаввур этиб бўлмайди, — деди учрашувда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов. — Шу боис фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлиши оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш масалаларига



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

катта эътибор қаратилмоқда. Буни ОАВ фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган қатор қонунлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳар қандай жамиятда ахборот хамиша мамлакат тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг шаклланишида асосий восита бўлиб хизмат қилиб келган. Айниқса, дунё шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув замонида ОАВ ва матбуотга бўлган талаб ҳар қанчалар ошмоқда.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов ОАВ

ва матбуот эркинлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ва яратилаётган имтиёزلар ҳақида тўхталди.

Бугун геосиёсий манфаатлар тўқнашуви кескинлашиб, турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда журналист зиммасида ҳар қанчалар ҳам катта масъулият турганини таъкидлади.

Учрашувда ёшларни турли таҳдидлардан, миллий қадриятларимизга ёт гоълардан асраш учун курашда партия фойдалари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар партия матбуотидан самарали фойдаланиши

муҳимлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Худди шундай ижодий учрашувлар пойтахтимизнинг Бектемир, Яшнобод, Юнусобод, Шайхонтохур, Олмазор ва бошқа туманларида ҳам ўтказилди.

Тадбирларда ЎзХДП сафида бўлиш истагини билдирган бир гуруҳ ёшлар ва хотин-қизларга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Суратда: Бектемир туманилик бир гуруҳ ёшлар ҳам партиямизга аъзо бўлишди.

ЖАҲОН
ЧЕМПИОНАТИ — 2015

Кураш бўйича ўтказилаётган X жаҳон чемпионатининг дастлабки кунда беш нафар полвонимиз шохсупага кўтарилди.

Полвонлари-
мизда бешта
медалъ

Эроннинг Хуррамобод шаҳрида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида элликдан зиёд мамлакатдан икки юздан ортиқ полвон ғолиблик учун беллашмоқда. Нуфузли мусобақанинг дастлабки кунда тўртта вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Вазни 81 килограммгача бўлган курашчилар беллашувининг финалида икки полвонимиз гиламга чиқди. Қизикarli баҳсда Темурхон Тўраев Руслан Болтаевни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Эронлик Илёс Алиакбарий ва туркменистонлик Сардор Жуммиев бронза медал билан тақдирланди.

Вазни 100 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида қатнашган Эркин Дониёров хал қилувчи беллашувда мезбонлар вакили Муслим Нурийни енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Эронлик Воҳид Нурий ва украинлик Владислав Зембицкий учинчи ўринни эгаллади.

100 килограммдан оғир бўлган курашчилар ўртасидаги финал мусобақаси ҳам полвонларимиз ўртасида кечди. Мухсин Ҳисомиддинов биринчи, Бекзод Каримов иккинчи, эронлик Ҳамид Ғолий ва Жафар Пахлавоний учинчи ўринни эгаллади.

90 килограммгача бўлган спортчилар беллашувда эронлик Сайид-Алиаскар Мусовий, Юнус Вализода, грузиялик Георгий Иадзе ва украинлик Игорь Кнш ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎзА мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, улкан бунёдкорликлар ва ободонлаштириш ишларига гўвоҳ бўласиз. Навоий вилояти марказидан қарийб 300 км. олисда Қизилқумнинг бепоён кенгликлариди мўъжиз бир шаҳар бор. Ён-атрофи пурвиқор тоғлар, бир томони поёнсиз чўла тумаш бу воҳа Учқудуқ туманидир.



Учқудуқ янада обод, кўркам
бўлмоқда

Ободлик, сариштак бор жойда кут-барақа бўлади, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Бугун ана шу сўз учқудуқликларнинг шиориغا айланган, десак, муболага эмас. Худудни тоза-озода сақлаш, мавжуд мева ва манзарали дарахтлар, гул қўчатларини ёзининг жазираси кўнларидан асраш, кўча ва хиёбонларни саранжом-саришта қилиш, одамларнинг мусавффо ҳаво, табиат қўйнида мароқли дам олишларини ташкил этишда Учқудуқ туман ободонлаштириш бошқармаси жамоасининг меҳнати эътирофга молик.

Бошқарма тумандаги «Йўлчилар», «Кокпата», «Шалхар» кўрғонлари ҳамда «Истиклол» мавзеси аҳолисига хизмат кўрсатиш учун барча зарурий техника ва

транспорт билан таъминланган. — Жорий йилда бошқармаимизда маҳаллий бюджет ҳисобидан авто-транспортлар учун гараж, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан эса техник кўрикдан ўтказиш жойи, диспетчер ва тиббиёт хонаси қурилди, — дейди бошқарма бошлиғи Суннат Ортиқов. — Президентимизнинг Республика иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2015-2016 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлаш таъминлаш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, йўлларни қордан тозалаш учун 50 тонна техник туз аралашмаси захира қилинди.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Кўнгил ободлиги эса кишини бунёдкорлик, фаровонлик сари ундайди. Олис Учқудуқ туманида бўлган одам бу ҳақиқатга яна бир бор амин бўлади.

«Кокпата» кўрғонида жойлашган хизмат уйларининг том қисмига тўлиқ янгидан шифер ёпилди. Шунингдек, Амир Темур кўчасидаги 11-ва 16-уйлар тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Бошқарма томонидан тумандаги қадамжолар ва қабристонларни ободонлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, «Кўчкор ота» қабристонининг ён-атрофи ўралди. «Ёрлер ота» қабристонининг 54 кв.м. айвон қисми таъмирдан чиқарилди.

Шунингдек, туман маркази ва қишлоқ аҳоли пунктларидан қаттиқ ва маиший чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмоқда. 15 чикинди йиғиш пункти қурилиб битказилди. Чикинди ташланганидан 20 контейнер сотиб олинди. Туман марказий деҳқон бозори ёнида эса намунавий лойиҳадаги чикинди йиғиш пункти фойдаланишга топширилди.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Кўнгил ободлиги эса кишини бунёдкорлик, фаровонлик сари ундайди. Олис Учқудуқ туманида бўлган одам бу ҳақиқатга яна бир бор амин бўлади.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бола тарбияси — келажак тарбияси

Қаршида бола тарбиясида мактабгача таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мушакил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳар томонлама баркамол voyга етиши учун зарур шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Қаҳқадарё вилоятида 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган 48 минг 885 бола 334 мактабгача таълим муассасасига қамраб олинган. 41 спорт зали, 253 спорт

майдончаси, 155 очик, битта ёпиқ сув хавзаси болаларнинг ихтиёрида. 550 га яқин спорт тўғрагида тажрибали мураббийлар томонидан олиб борилаётган машғулотлар уларнинг жисмонан соғлом бўлиб улгайишига хизмат қилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, турли нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда ота-оналар томонидан болаларнинг таълим олиш, дам олиш ва бошқа ҳуқуқларини етарли даражада таъминлаш масаласи юзасидан фикр алмашилди.

Ў. БАРOTOV,
ЎзА мухбири.

РЕКЛАМА

AVTOSALON
«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ
ZAZ Forza
Дар: 109 л.с.
Бензин / газ

LADA
Нива Бизнес - пикап, 4x4
Дар: 80,92 л.с. - Бензин / газ

CHANGAN
Changan Бизнес - пикап, 2-5 мест
Двигатель: 82 л.с. - Бензин / газ
Грузоподъемность: 1,5 - 2,0 тон.

ТИЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ УТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Тошкентдаги автосалон:
Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 110-уй (телевизион минора қаршисида).
Тел: (+998971) 218-08-70, 177-01-17, (+99895) 194-34-51.
www.sardor-avto.uz

Махсуслотлар сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.

ОБ-ҲАВО	7-8.11 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+2 / +7	+5 / +10
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+3 / +8	+8 / +13
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+2 / +7	+8 / +13
Қаҳқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+3 / +8	+10 / +15
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+2 / +7	+7 / +12
Тошкент шаҳри	
+5 / +7	+9 / +11
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+17 / +17
Париж	+22 / +19
Москва	+4 / +4
Мадрид	+23 / +22
Пекин	+7 / +9
Канберра	+25 / +29
Рим	+23 / +23
Афина	+21 / +21
Токио	+19 / +22
Стокгольм	+12 / +9
Кейптаун	+23 / +23
Қоҳира	+24 / +26
Гавана	+32 / +32
Вашингтон	+17 / +15

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
10330
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23.20
Topshirilgan vaqti — 23.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5 6